

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЗАМАТ АЛУЧИЕВ

АХБОРОТ -РЕСУРС МАРКАЗИ
(маълумотнома)



<http://elibrary.karsu.uz>


<http://kitaplar.karsu.uz>

https://t.me/elib_karsu

Нукус 2021



**Ахборот-ресурс маркази
майдони - 2730 м².**



Алучиев А. М.

Ахборот ресурс маркази [Электрон ресурс] : Маълумотнома / Азамат Мусаевич Алучиев, тақризчи Г. Алланиязова ; Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат университети. - Нукус : ҚҚДУ, 2021. - 32 бет

Китопчада Қорақалпоқ давлат университети Ахборот ресурс марказида олиб борилаётган ишлар, китобхонлар ва ходимлар, техник воситалари ва АРМнинг ҳар бир бўлими ҳақида қисқача келтирилиб ўтилган.

Тақризчи

Гульнора Алланиязова

Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс марказининг ташкил этилиши ва ривожланиши

Халқимизнинг маънавий онгини ўстиришда, маданиятини юксалтиришда, айниқса, ёшларнинг таълим олиши ва етуқ инсон бўлиб улғайишида ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларининг ахамияти катта. Ёшларни илм-маърифат нурларидан баҳраманд этиб, самарали фаолият кўрсатиб келаётган маърифат масканларидан бири **Қорақалпоқ давлат университети** ахборот-ресурс маркази ҳисобланади.

Мазкур кутубхона даслаб 1934-йили Тўрткўл шаҳрида Педагогика Институтини қошида 2 штат билан кутубхона сифатида ташкил этилган. 1945-йили Педагогика Институтини Нукус шаҳрига кўчирилди ва 1976-йили Нукус давлат Университетини бўлиб қайта ташкил этилди. 1976-йили университет очилган даврда кутубхона фондида 24 минг нусха китоб бўлиб, 24 та ходим ишлаган. 1990-йили кутубхона махсус куриб битирилган, майдони 2730 кв.м. бўлган тоза бинога кўчиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 2006-йил 20-июндаги қароридан сўнг ва Ўзбекистон Республикасини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006-йил 26-декабрдаги 295-сонли буйруғига асосланиб, кутубхона Қорақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс маркази деб қайта номланди.

Ҳозирги кунда ахборот-ресурс марказини республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро Кенгашининг қарорига мувофиқ намунавий ахборот-кутубхона муассасасини бўлиб ҳисобга олинган.



ДИРЕКТОР

Илмий-услубий ва
ахборот-маълумотлар
бўлими
Бўлим бошлиғи

1. Етакчи мутахассис
2. Етакчи мутахассис
3. Методист
4. 1-т. кутубхоначи
5. 1-т. кутубхоначи
6. 1-т. кутубхоначи
7. 1-т. кутубхоначи
8. 1-т. кутубхоначи
9. 1-т. кутубхоначи
10. 1-т. кутубхоначи
11. 1-т. кутубхоначи
12. 1-т. кутубхоначи
13. 1-т. кутубхоначи
14. 1-т. кутубхоначи

Ахборот-кутубхона
ресурсларини бутлаш,
каталоглаштириш ва
тизимлаштириш бўлими
Бўлим бошлиғи

1. Етакчи мутахассис
2. 1-т. кутубхоначи
3. 1-т. кутубхоначи
4. 1-т. кутубхоначи
5. 1-т. кутубхоначи
6. 1-т. кутубхоначи
7. 1-т. кутубхоначи
8. 1-т. кутубхоначи
9. 1-т. кутубхоначи
10. 1-т. кутубхоначи
11. 1-т. кутубхоначи
12. 1-т. кутубхоначи

Ахборот-кутубхона
ресурслари билан хизмат
кўрсатиш бўлими
Бўлим бошлиғи

1. Бош кутубхоначи
2. 1-т. кутубхоначи
3. 1-т. кутубхоначи
4. 1-т. кутубхоначи
5. 1-т. кутубхоначи
6. 1-т. кутубхоначи
7. 1-т. библиограф
8. 1-т. библиограф
9. 1-т. библиограф
10. 1-т. библиограф

Электрон ахборот
ресурслари бўлими
Бўлим бошлиғи

1. Ахборот-кутубхона технологилари бўйича етакчи мутахассис
2. 1-тоифали электрон кутубхоналари кутубхоначиси

Хорижий ахборот-кутубхона ресурслари билан ишлаш бўлими
Бўлим бошлиғи

1. 1-т. кутубхоначи
2. 1-т. библиограф

Жами 45 штат
Олий маълумотлилар: 25
Олий махусус маълумотлилар: 7
Ўрта маълумотлилар: 20
Ўрта махусус маълумотлилар: 18

Ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлими

Ахборот-ресурс марказида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали аҳолига, айниқса ёшларга ахборот-ресурс хизматини кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, билимини, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар, кенг ахборот ресурслари базаси яратилган. Бугунги кунда ахборот-ресурс марказидан фойдаланувчилар сони 11 мингдан ортиқ бўлиб, китоб берилиши ҳар чорак мобайнида 300 мингдан зиёд.

Ахборот-ресурс марказига аъзолик бўйича маълумот

Абонентлар сони – 11192

Талабалар - 8700

Профессор-ўқитувчилар – 648

Илмий тадқиқотчилар - 27

Маҳаллий абонентлар – 1817





Электрон ахборот-ресурслари бўлими

Ахборот-кутубхона муассасаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мамлакатимизда кутубхоначиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 20-июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган пайдан бошлаб алоҳида технологик йўсиндаги масалалар (ахборот-ресурс марказини компьютерлар билан жиҳозлаш, уларни босқичма-босқич «Ziynet» ахборот тармоғига улаш, электрон кутубхона тизимини шакллантириш) билан бир қаторда электрон кутубхона ресурсларини яратиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда

Ахборот-ресурс марказининг мазмунан ғоят бой ва хажман улкан ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдалана олиш воситаси бўлган библиографик электрон ресурслари (электрон каталог) яратилиб, бу ахборотлар Интернет тармоғидан фойдаланувчиларга тақдим этилмоқда. Ахборот-ресурс маркази янги техник воситалар билан жиҳозланган, барча компьютерлар Интернет тармоғига уланган бўлиб, ўз навбатида, ёшлар учун кенг қамровли манбалардан, жумладан, Ziynet, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали, бошқа йирик кутубхоналар маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятига эга.





Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017-йил 25-августдаги 608-сонли «Ziynet тармоғини ахборот-таълим ресурслари билан бойитиб бориш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида университет таълим йўналишлари бўйича ресурсларнинг, жумладан маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақолалар, магистрлик диссертациялар, битирув малакавий ишларининг электрон нусхалари тайёрланиб, «Ziynet» ахборот-таълим тармоғига жойлаштирилмоқда.

АРМда мажуд техник воситалар:

Компьютерлар сони – 125 дона

3 в 1 принтерлар – 4 дона

Сканерлар – 3 дона

Видеопроектор – 1 дона

Wi-fi router – 6 дона

Электрон ресурслар

Президент асарлари - 165

дарслик ва ўқув қўлланмалар - 15014

ўқув-услубий қўлланмалар - 271

монографиялар - 24

диссертация ва автореферетлар - 1003

илмий мақола ва тезислар - 35


бошқа ресурслар - 10295

Ахборот-ресурс маркази фондидаги китобларнинг библиографик ёзувларини АРМАТ тизимига киритиш бўйича амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 23-февралдаги ПҚ-1487-сонли «2011-2015-йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012-йил 20-мартдаги ПҚ-1729-сонли «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012-йил 21-мартдаги ПҚ-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2012-йилнинг июль ойида ахборот-ресурс маркази ходимлари Азамат Алучиев, Насиба Абдуллаевалар Тошкент шаҳрида АРМАТ дастурида ишлаш бўйича ўқишга қатнашиб келди. 2012-йилнинг сентябрь ойидан бошлаб марказ фондида мавжуд китобларнинг библиографик ёзувларини АРМАТ тизимига киритиш бўйича ишлар амалга оширилди. Дастурда библиографик ёзувлардан ташқари тўлиқ матнли китобларни киритиш, китобхонларни аъзоликга киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

АРМАТ тизимига киритилган библиографик ёзувлар – 62.972 номда
492.000 нусха

электрон ресурслар - 11031 номда
электрон китоблар – 9502 номда
маъруза матнлари – 1513 номда
кўзи ожиз китобхонлар учун аудио китоблар – 7 номда
218 та mp3 файлларида



Ахборот-кутубхона ресурсларини бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими

Ахборот-кутубхона ресурсларини бутлаш, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими ахборот-ресурс маркази фондида янгидан келган китобларни рўйхатга киритади.

- Ахборот-ресурс маркази фонди турли йўналишдаги адабиётлар билан тез-тез янгиланиб, энг сўнгги илм-фан ютуқлари билан бойитиб турилади, жумладан 2015-йили 154 номда 4738 нусхада, 2016-йили 160 номда 2354 нусха, 2017-йили 299 номда 7066 нусхадаги юртимиз ва хорижда чоп этилган ўқув адабиётлари келтирилди. Янги адабиётларни мавзуларига қараб бўлимларга тарқатиш зиммамиздаги вазифа,-дейди бўлим мудири Гулжахан Казакова. –Мақсадимиз қандай адабиётларга талаб борлигини ўрганиб, бу жараёнда ҳеч бир жиҳат очик қолмаслигига эришиш.



Илмий -услугий ва ахборот-маълумотлар (даврий нашрлар) бўлими

Илмий-услугий ва ахборот-маълумотлар бўлимининг асосий вазифаси китобхонларни ахборот қидирувнинг замонавий методларига ўргатиш, библиографик карточкалар юритишдан иборат. Илмий-услугий ва ахборот-маълумотлар бўлимида қуйидаги карточкалар юритилади.

1. Мақолаларнинг системали картотекаси.
2. Вақтли матбуот нашрлари картотекаси.
3. Мавзулар бўйича мавзули картотекалар.



Ушбу бўлимнинг энг асосий бўғини вақтли матбуот нашрлари картотекасидир. Унда вақтли матбуот нашрларида ёритилган ҳар қандай мақолаларнинг библиографик маълумотлари акс эттирилади. Илмий-услугий ва ахборот-маълумотлар бўлими томонидан услубий ҳужжатлар, библиографик кўрсаткичлар нашр этилади. Жумладан, 2017 йил –«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» га бағишланган «Халқ билан мулоқот инсон манфаатларига хизмат қилмоқда» услубий библиографик тавсияномаси, «Кутубхона ва китобхонлик», «Мухим саналар таквими» ва бошқалар. Ахборот-ресурс марказида ҳар йили вақтли матбуот нашрларига обуна ташкил этилади. 2018-йил учун умумий баҳоси 46,474,216 сўмлик 130 номдаги газета ва журналларга обуна ташкил этилди.



Ахборот-ресурс маркази фонди

Университет ахборот-ресурс марказининг китоб фонди жами 518819 нусхадан ортиқ китоблардан иборат. Шундан:

Дарслик ва ўқув қўлланмалар – 335783

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар – 35102

Хорижий адабиётлар – 4416

Бадий адабиётлар – 34923

Илмий адабиётлар – 95210

Бошқа адабиётлар – 13385



Фондтаги китоблар 5 та китоб сақлаш хоналарида сақланади

1-сонли китоб сақлаш хонасида- ФИЛОЛОГИЯГА ОИД КИТОБЛАР)

2- сонли китоб сақлаш хонасида-ТАБИАТШУНОСЛИКГА ОИД
КИТОБЛАР

3 -сонли китоб сақлаш хонасида -АНИҚ ФАНЛАРГА ОИД КИТОБЛАР

4 -сонли китоб сақлаш хонасида- МУСТАҚИЛИК ЙИЛЛАРИДА ЧОП
ЭТИЛГАН БАРЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА КИТОБЛАР

5- сонли китоб сақлаш хонасида – ДЕПОЗИТАР ФОНД



Ахборот-ресурс маркази ўқув заллари

Табиий фанлар ўқув зали



Гуманитар фанлар ўқув зали



Бадий адабиётлар ўқув зали



Чет эл адабиётлари ўқув зали



Электрон оқыу залы (1)



Электрон ўқув зали (2)



ЎТКАЗИЛГАН ТАҚДИМОТЛАР

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, уларни баркамоллик сари етаклайдиган, қалбга ёруғлик бахш этадиган, оқ билан қора, яхшилик билан ёмонликни фарқлашга ўргатадиган, инсониятнинг энг ноёб кашфиёти-китобга қизиқиш ўйғотиш мақсадида олиб бораётган сиёсати ёшларимиз онгида муҳим аҳамият касб этади. Қарақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс марказида Президентимизнинг 2017-йил 13-сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги даврда ёшларнинг китоб мутолаасини ҳам бойитиб боришимиз керак. Ахборот-ресурс марказида «Китобхонлар клуби» ташкил этилган. Олимлар, шоир ва ёзувчилар билан жонли мулоқот ва ижодий учрашув-кечалар ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ўстиришда жуда катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда ахборот-ресурс марказида турли тадбирлар ташкил этилади.



Университет ахборот-ресурс марказида ҳудудий ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари билан биргаликда адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, мавзули кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, китоблар тақдимотлари тез-тез ўтказилади.

Ахборот-ресурс марказида «Жаслар орайы» Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг ахборот-ресурс маркази томонидан «Китоблар кўргазмаси» ташкил этилди. Кўргазмада 197 нусхадан ортиқ миллий ва жаҳон адабиётининг дурдона намуналари, йирик-йирик асарлар ўрин олди.



**Дунё адабиёти хазинаси бўлган Паульо Коэлонинг «Алкимёгар» романи
тақдими**
(АРМ ходими З.Ималатдинова)



«Электрон ўқув залида яратилган имкониятлар» тақдими
(АРМ ходими Азамат Алучиев)



Малака, тажриба ва янги имкониятлар

Қорақалпоқ давлат университетининг 2017-йил 1-февраль кунги 21 к/4-сонли буйруғига асосан ахборот-ресурс маркази ходимлари Қаршыға Наурызбаева, Қамар Сейтжанова ва Азамат Алучиевлар Ташкент шаҳридаги Турин политехника университети, Халқаро ВЕСТМИНСТЕР университети, ИНХА университети, Тошкент давлат юридика университети, Ўзбекистон Республикаси Ўзбек тили ва адабиёти университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказларида ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб, тажриба алмашиб қайтдилар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,
ИНХА университети Ахборот-ресурс маркази,
ТУРИН политехника университети Ахборот-ресурс маркази,
Тошкент давлат юридика университети Ахборот-ресурс маркази,
Халқаро ВЕСТМИНСТЕР университети Ахборот-ресурс маркази,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс маркази,
Ўзбекистон Республикаси Ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс маркази

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ





ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ
Турин политехника университети



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг қарорига биноан
Турин политехника университети
2009-йили ташкил этилган



ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

Турин политехника университети Ахборот-ресурс маркази



Тошкент шаҳридаги ИНХА университети




Ўзбекистон Республикаси
Президентининг қарорига биноан
Тошкент шаҳридаги ИНХА университети
2014-йили ташкил этилган



Ирина Константиновна
АРМ директори

Ахборот ресурс маркази



Тошкент шаҳридаги халқаро ВЕСТМИНСТЕР университети
Ахборот ресурс маркази



Тошкент шаҳридаги халқаро ВЕСТМИНСТЕР университети
Ахборот ресурс маркази



АРМ директори ўринбосари
Имомхўджаев Хамид

«Central Azia-2017» фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XI халқаро анжумани

Ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришга қаратилган йирик касбий ва ижтимоий-маърифий тадбирлардан бири «Central Azia» фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» халқаро анжумани ҳисобланади. 2017-йил 25-28-апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Наманган шаҳрида ўтказилган «Central Azia-2017» фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XI халқаро анжуманга ахборот-ресурс марказининг мутахассислари Шадигул Наубетова ва Венера Қутлымуратовалар қатнашди.



«Infolib Uzbekistan» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 13-сентябрдаги ПҚ-3271-сон қарори билан тасдиқланган «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури»нинг 21-бандида «Infolib Uzbekistan» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ташкил этиш вазифа этиб белгиланган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 2017-йил 30-октябрь ва 3-ноябрь кунлари оралиғида «INFOLIB-2017» VI миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида ўтказилган ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун ташкил этилган семинар-тренингда ахборот-ресурс маркази ходими Раушан Қалмурзаева қатнашди.



Касбий танловлар ғолиби

«Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» кўрик танлови Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 20-июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган вазифаларни бажаришни таъминлаш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва ҳаётга татбиқ этишни ташкил этишда ва АКМ ва АРМларнинг ходимларидан илғор, ташаббускор ва ижодкор мутахассисларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилиятларнинг касбий маҳоратини руёбга чиқишига кўмаклашиш, рағбатлантириш, аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган.


«Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг энг яхши мутахассиси-2016» кўрик танловининг республика босқичи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтди. Кўрик танловда университет ахборот-ресурс маркази ходими Азамат Алучиев иштирок этиб Ўзбекистон Республикаси бўйича ғолибликни қўлга киритти.

Азамат Алучиев бундан бошқа кўпгина танловларда қатнашиб фахрли ўринларни олиб келган. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази мутахассиси-2009» танловида «Бронза лавҳ» соврини билан тақдирланган.

«Ахборот-кутубхона муассасаларининг энг яхши мутахассиси-2014» касбий танловида II даражали диплом билан тақдирланди.

2009-йилда Урганч давлат университети раҳбарияти АРМдаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштириш имкониятини берувчи «Интеграллашган кутубхона-ахборот тизими»ни сотиб олди ва АРМда уни татбиқ қилиш ишларини бошлаб юборди. Тизимни АРМда жорий қилиш иши АРМ ходимлари малакасини оширишдан бошланди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари ва Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти олимлари иштирокида махсус семинар-тренинг ўтказилди. ИРБИС дастурида ишлашни ташкил этиш бўйича ўтказилган семинар-тренинг мақсади кадрлар малакасини такомиллаштириш, ахборот-ресурс марказлари ва бошқа кутубхоналар кадрларини янги технологиялар асосида ўқитиш, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, кутубхоналарни автоматлаштириш тизимида ишлашга ўргатиш, электрон каталог яратиш, электрон кутубхонани ташкил этиш жараёнлари тўғрисида батафсил маълумот беришдан иборат бўлди. Семинар-тренинг давомида ходимларнинг компьютер саводхонлиги, электрон каталог яратиш, электрон кутубхонани ташкил этиш бўйича билимлари синовдан ўтказиш учун танлов ташкил этилди. Танловда Азамат Алучиев 1-ўринни оиб, сертификатга эга бўлди.

Азамат Алучиев «Ахборот-кутубхона муассасаларининг энг яхши мутахассиси-2014» касбий танловида II даражали диплом билан тақдирланди



Азамат Алучиев «Ахборот-кутубхона муассасаларининг энг яхши мутахассиси-2016» касбий танлови Ўзбекистон республикаси босқичи Ғолиби



© Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
ахборот-ресурс маркази

Нукус 2021